

## Ҳужжат имзоланган:

сана:2022.12.21 21:52:24  
серия рақами: 77cadf37  
компания:XYZ BRAND GROUP  
МСНҲ  
стир: 309852627  
фиш: URAKOV ZAVQIDDIN  
email:

сана:2022.12.21 21:54:24  
серия рақами: 77daacc3  
компания:BUXORO VILOYATI YAKKAKURASH SPORT TURLARIGA  
IXTISOSLASHTIRILGAN SPORT MAKTABI  
стир: 206977870  
фиш: SAIDOV SHAVKAT  
email:



11ED814FCFD6C74A83FB1E0008000075

электрон ҳужжат идентификатори

## Олди-сотди шартномаси Шартнома №2112

Бухоро шаҳри  
(шартнома тузиш жойи)

21.12.2022  
(шартнома тузиш сана)

"XYZ BRAND GROUP" МСНҲ (бундан буён - "Бажарувчи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор **URAKOV ZAVQIDDIN RAUF O'G'LI**, бир томондан, ва "BUXORO VILOYATI YAKKAKURASH SPORT TURLARIGA IXTISOSLASHTIRILGAN SPORT MAKTABI" (бундан буён - "Буюртмачи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор **SAIDOV SHAVKAT KOSIMOVICH**, иккинчи томондан, биргаликда "Тарафлар", алоҳида эса "Тараф" деб аталувчилар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Ушбу шартномага биноан, Мижоз тўлайди ва қабул қилади ва Ижрочи қуйидаги шартлар асосида товарларни (хизматларни) етказиб беради:

№	Маҳсулот номи (хизматлар)	Товар (хизмат)лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи	Товар/хизмат штрих коди	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нарх	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб бериш баҳоси ҚҚС билан
								ставка	сумма	
1	Татами	09506001128000000 - Татами		дона	144.00	890 205.00	128 189 520.00	ҚҚС сиз	128 189 520.00	
Жами							128 189 520.00		128 189 520.00	

Шартноманинг умумий миқдори Бир юз йигирма саккиз миллион бир юз саксон тўққиз минг беш юз йигирма сум 00 тийин (сумма сўзлар билан), (128 189 520.00)

- 1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига қуйидагиларни мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: Шартнома нархининг 30% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 10 кун ичида.

### 2. 2. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 128189520 (Бир юз йигирма саккиз миллион бир юз саксон тўққиз минг беш юз йигирма) сумни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 38456 856 сўми, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов мазкур шартнома фазначлик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 89 732 664 сўми, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 10 кун ичида амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўпланда ярқис, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
- 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини мажбуриятлари:
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.  
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.  
3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### **4. 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.  
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.  
4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:  
5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан неустойка тўлайди.  
5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди.  
5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдоридан жарима тўлайди.  
5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.  
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### **6. 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўказилган кундан бошлаб 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.  
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.  
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:  
- томонларнинг келишувига мувофиқ;  
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.  
- Форс-Мажор ҳолатларида

#### **7. 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

7.1. Мазкур шартнома тарафлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга кирган ҳисобланади.

#### **8. 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.  
8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Бухоро туманлараро Иқтисодий Суди тартибда ҳал қилинади.  
8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро туманлараро Иқтисодий Судида хал қилинади.

#### **9. 9. БОШКА ШАРТЛАР**

9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

#### **10. Томонларни юридик манзиллари ва реквизитлари**

**Ижрочи**

**Номи: "XYZ BRAND GROUP" МСНЈ**

**Манзил: БУХАРСКАЯ ОБЛАСТЬ ГОРОД БУХАРА  
Фуркат МФЙ, Бўстон кучаси, 16/1-уй**

**Телефон: 998906364000**

**Факс:**

**СТИР: 309852627**

**ОКЭД: 46900**

**Х/Р: 20208000305566461001**

**Банк: АНДИЖОН Ш., ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ  
ИШТИРОКИДАГИ "НАМКОРВАНК" АТ БАНКИНИНГ  
БОШ ОФИСИ**

**МФО: 00083**

**Буюртмачи**

**Номи: БУХОРО VILOYATI YAKKAKURASH SPORT  
TURLARIGA IXTISOSLASHTIRILGAN SPORT  
МАКТАБИ**

**Манзил: М.ИҚБОЛ КО`ЧАСИ 18-УЙДА 0**

**Телефон: +998652210162**

**Факс:**

**СТИР: 206977870**

**ОКЭД: 93190**

**Х/Р: 100021860064017083620135001**

**Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ  
ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-КИТОБ КАССА  
МАРКАЗИ**

**МФО: 00014**